МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 4 январь,
№2 (969)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Фуқаролар йиғини кенгаши ва жамоатчилик комиссиялари

### *фаолиятини самарали ташкил этиш — долзарб вазифа*

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар номзоди.**

2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда ўтган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида кўплаб юртдошларимизга ишонч билдирилди. Масъулият эса, энг аввало, ўша ҳудуд аҳолисининг ишончини оқлаш, маҳалла зиммасига юклатилган кенг қамровли вазифалар ижросини самарали таъминлашдан иборат. Бунинг учун эса фуқаролар йиғини кенгаши ва жамоатчилик комиссиялари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада, аввало, фуқаролар йиғини кенгаши, унинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлашда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган концепция асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрирлари қабул қилинди.

Қонуннинг 9-моддасида бевосита фуқаролар йиғини органлари сифатида фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси ўрин олган.

Мазкур органлар фаолияти янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 13- ва 18-моддаларида алоҳида норма сифатида тартибга солинди. Хусусан, 13-моддага кўра, фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади. Унинг таркибига фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари киради.

Шунингдек, фуқаролар йиғини кенгашининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги қатор ваколатлари акс этган бўлиб, улар, ўз навбатида, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

2 »

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ




Фото: www.mv-vatanparvar.uz

## Ҳарбий хизмат энг эзгу ва улуғ касбдир

**Ҳарбий хизматдаги ўғли Шерзодни соғиниб юрган Гулнора опа маҳаллада ташкил этилган «Аскарлар оналарини шарафлаймиз» тадбирига таклиф этилганида худди ҳозир болагинасини кўрадигандек интиқди.**

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Тадбирни Кармана саноат касб-ҳунар коллежида ўтказишаётган экан. У бу ерга ҳамма меҳмонлардан аввал етиб борди. Ўқувчию ўқитувчилар, ота-оналар билан тўлган залга бир гуруҳ ҳарбийлар кириб келганида, онанинг бутун вужудини ҳаяжон қоплади. Йўқ, меҳмонлар орасида унинг фарзанди учрамади, чунки Шерзод Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмда хизмат қиляпти, бу тадбирга Навоий вилоятидаги қисмлардан меҳмонлар чақирилган. Бироқ либоси ўзига ярашган ўктам йигитларнинг ҳар бири онанинг кўзига фарзандидек кўринди. Дарҳақиқат, бу аскарлар юрт ўғлонлари, миллат оналарининг фарзандлари...

Тадбирда ҳарбийлик ҳаёти тўғрисида, миллий армиямизда яратилган шарт-шароитлар хусусида сўз борди, ўғли хизматни ўтаётган оналарга алоҳида эҳтиром кўрсатилди, коллеж ўқувчилари томонидан бадиий чиқишлар намойиш қилинди. Хуллас, соғинчдан ўртанаётган онанинг қалби фахр-ифтихорга тўлди. У уйга бошини баланд кўтариб, Ватан ҳимоячисини улғайтирганидан мамнун қайтди.

2 »

СЎЗ — СИЗГА!

## Ишонч катта, масъулият ҳам залворли

**Истиқлол ҳаётимизга жуда кўп ўзгаришлар олиб кирди. Улардан бири шубҳасиз, асрлар синовидан ўтган маҳалла институтининг қайта тикланишидир. Мустақиллик шарофати билан ушбу тизим ўзининг ҳуқуқий асослари, қонуний ваколатларига эга бўлди.**

**Эргаш ҲАКИМОВ,**
**Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Темирчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Ўтган давр мобайнида маҳалла том маънода фуқаролик жамиятининг мустақил институти сифатида шаклланиб, ҳудудда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи, соғлом муҳитни қарор топтириб, ёшлар, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширувчи ўзини ўзи бошқариш органи сифатида энг мақбул тузилма эканини исботлади.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган сайловларда маҳалла аҳли йиғин етакчиси этиб мени танлади. Албатта, элнинг ишончини қозониш ёқимли, аммо кўнгилнинг бир чеккасида «эплай олармиканман», деган хавотир ҳам бор. Гарчи авваллари ушбу тизим билан ҳамкорлик қилган бўлсам-да, эндиликда бевосита раҳбар сифатида халқ дарди, ташвиши билан яшаш, ҳудуддаги кўп сонли, ҳар бири ўзига хос феъл-атворга эга аҳоли билан ишлаш, муросаю мадора қилиш кишидан жуда катта меҳнат ва масъулият талаб этади.

2 »



ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

## Миллий меъморчиликка мос ва ҳавасга арзигулик



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Гузарни маҳалланинг ободлиги, саранжом-саришталиги, аҳолининг аҳил-иноқлиги, тадбиркорлиги, ҳатто болажонлигини ҳам кўрсатиб турадиган кўзгуга менгзаш мумкин.**

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

Шу боис халқимиз азалдан маҳалла гузарининг обод ва кўркам бўлишига алоҳида эътибор қаратган.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида маҳалланинг мавқеини оширишга давлатимиз томонидан қаратилган эътибор туфайли гузарларнинг кўриниши, ҳудуд ҳаётида тутган ўрнида ҳам жиддий ўзгариш юз берди.

Эндиликда чойхона, баққоллик, косиблик, қассоблик дўконларидан ташқари, спорт майдончалари, минибанк, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари каби иншоотлар ҳам гузарга ярашиб турибди. Айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида янги турар-жойлар барпо этилиши баробарида уларга мос замонавий гузарлар ҳам пайдо бўлаётгани эътирофга сазовор.

3 »

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

## Аниқ мақсад ва тизимли иш самараси

**Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани Пахтакор қишлоғидаги «Бешбой» маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар ўртасида эрта турмушнинг олдини олиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Шундан бўлса керак, бу ердаги оилаларда соғлом маънавий муҳит барқарор.**

**Иброҳим БЕК**
**«Mahalla»**

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Гоҳида турли арзимас сабаблар билан ёш оилаларда никоҳнинг бекор қилиниши ҳолатлари ҳам учраётгани афсусланарлидир. Бу, аввало, ёшлардан, уларнинг ота-оналари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаолларидан оиланинг жамиятдаги нуфузини оширишдаги бурч ва масъулиятни теран англашни талаб этмоқда.

— Таҳлилларга кўра, оилалар ўртасидаги ажримларнинг аксарияти эрта турмуш оқибатида келиб чиқмоқда, — дейди «Бешбой» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳбуба Икромова. — Эрта турмушнинг олдини олиш бугунги кундаги муҳим масалалардан бирига айланди. Бирор-бир оилага бориб, «қизингизни эрта турмушга берманг» ёки бўлмаса, «ўғлингиз ҳали ёш, уйланса бахтли яшаб кетишига кафолат беролмайсиз» дейилса, хушламаслиги аниқ. Аммо тарғибот тадбирларининг мунтазам ўтказилиши, уларда мутахассисларнинг атрофлича тушунтиришлари оила бошлиқларини бу борада мулоҳазага чорлайди.

Маҳаллада 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги оила қуриш бўсағасида турган йигит-қизлар билан оиланинг муқаддаслиги, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлари, соғлом авлодни шакллантиришда тиббий кўрикларнинг афзаллиги ҳақида мунтазам учрашув-мулоқотлар ўтказилмоқда. Ота-оналар билан фарзандларининг келажаги учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этиши, тўйларни камхарж, ортиқча дабдабасиз, ихчам ўтказиш юзасидан тез-тез суҳбатлашилаётгани ижобий самара бераётир.

4 »



ФОНД КЎМАГИДА

## Вақт ҳам, маблағ ҳам тежалади

**Қашқадарё вилоятида 103 маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йиғинига 124 компьютер жамланмалари топширилди.**

**Ў.БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбири**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлимлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида жамиятимиз ҳаётида маҳалланинг ролини кучайтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Маҳалла ҳаёти билан боғлиқ қадриятлар, урф-одат ва анъаналар тикланиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда.

— Маҳаллаларнинг компьютер жамланмалари билан таъминланиши уларнинг иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси М.Туропов. — Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва сақлаш имкони янада кенгайди. Айниқса, маълумот алмашинуви борасида вақт ҳам, маблағ ҳам тежаладиган бўлди.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# Аниқ мақсад ва тизимли иш самараси



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

« 1

Ўтган йил мобайнида ҳудудидаги 68-сонли умумтаълим мактаби ҳамда қишлоқ врачлик пункти билан ҳамкорликда 60 дан зиёд ана шундай тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Уларда бир ярим минг нафардан ортиқ аҳоли қамраб олинди. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинида эрта турмушга йўл қўймаслик учун алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унинг асосида ҳафтада икки марта маънавий-тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар уюштирилмоқда. Айниқса, «Эрта турмушнинг салбий оқибатлари», «Эрта турмуш — келтирар ташвиш» мавзуларида ўтказилаётган давра суҳбатлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Йиғинда жамоатчилик асосида ташкил этилган «Ота-оналар университети» оилалар мустаҳкамлиги, хусусан, ёш авлодни тарбиялаш бўйича уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

«Бешбой» маҳалласида аҳолини манзилли ижтимоий муҳофазалаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар бандлигига кўмаклашиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

Бундай тизимли иш тажрибасини биргина йиғин маслаҳатчиси М.Икромованинг кундалик фаолиятида ҳам кўриш мумкин. У ҳар куни 4-5 та оилага кириб, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганади, иссиқ-совуғидан хабардор бўлишга ҳаракат қилади. Муаммо учраб қолгудек бўлса, дарҳол маҳалла идорасига ошиқади. Масала кун тартибига қўйилиб, уни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Маҳалла фаоллари томонидан олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда: Обод турмуш йилида маҳаллада эрта турмуш қуриш ёки ажримлар қайд этилмади. Тўйлар эса, ихчам, файзли ва ортиқча дабдабаларсиз ўтказилмоқда. Бу каби ижобий натижалар, албатта, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш ва ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

«Mahalla» ҲАР БИР ХОНАДОНГА!»

# Акция якунланди

## *обуна давом этади*

**Маълумки, «Mahalla» газетасига 2014 йил учун обуна жараёнини янада жадаллаштириш, унинг юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтишини таъминлаш, ўқувчилар сонини кўпайтириш ва газетанинг ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш мақсадида 2013 йил 20 сентябрдан 31 декабрга қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси ўтказилган эди.**

Янги йилнинг илк кунларида таҳририятда мазкур акция ғолибларини аниқлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатиб келаётган уч нафар холис шахсдан иборат комиссия йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, акцияни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган тартибга кўра, бир хил рақамдаги жамланган купонларнинг миқдори 15 донага етмагани боис йил якунига кўра ягона ўйин уюштирилди. Ўтган давр мобайнида таҳририятга келган купонларнинг умумий сони 55 тани ташкил қилди. Жумладан, 6 нафар иштирокчи бирйўла бир неча купон(2 тадан 6 тагача)ни тўлдирган. Ўйиннинг барча иштирокчиларига бирдек имконият яратиб бериш мақсадида бир обуначидан фақат бир донадан купон ўйинда иштирок этиш учун қабул қилинди. Натижада уларнинг сони 37 та қолди.

Ўтказилган ўйинда купонлар аралаштирилиб, улар орасидан 3 таси холислар иштирокида комиссия аъзолари томонидан танлаб олинди.

Акция натижаларига кўра, қуйидаги обуначилар ғолиб деб топилди:

— Хурсан Давронова. Тошкент шаҳри Олмазор тумани Беруний кўчаси, 2-уй, 1-хонадон.

— Илҳом Мирзаев. Самарқанд вилояти Самарқанд тумани.

— Лобар Азизова. Тошкент шаҳри Олмазор тумани Беруний майдони, 3-уй, 1-хонадон.

Ғолибларни чин қалбдан табриклаб, уларни қимматбаҳо маиший техника буюмлари кутаётганини маълум қиламиз.

Эслатиб ўтамиз, ютуқ эгалари газетага йиллик обуна бўлганлиги тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна квитанциясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқноманинг аслини кўрсатганларидан кейин ўз ютуқларини олишлари мумкин.

«Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси якунига етган бўлса-да, газетамизга обуна давом этмоқда. Севимли нашрингизга обуна бўлинг. «Mahalla» йил бўйи ҳамроҳингизга айлансин!




# Қурғоқчилик қутқу солади...ми?

**Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро гуруҳ (IPCC) мутахассислари жаҳон аҳлини жорий йилда кутилаётган қурғоқчиликдан огоҳлантиришмоқда.**



Шимолий кенгликлар — Скандинавия ва Канадада ёмғир ва қор мўл бўлади. Бироқ Ер шарининг бошқа нуқталарида иқлим ўзгаради. Жумладан, Европа жануби, Яқин Шарқ, АҚШнинг жануби-шарқидаги штатлари ва Австралия жанубида қурғоқчилик кузатилади.

Осиё ва Африка қитъасида ҳам вазият бирмунча мушкул бўлиши мумкин.

# Тарсаки самарасиз ва зарарли

**Англиянинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили Мэгги Аткинсон ота-оналарнинг фарзандларини тарсаки тортишини тақиқлаш лозим, деган фикрда.**

«Independent» газетасида берган интервьюсида у айни пайтдаги мавжуд қонунчиликда катталар ва уй ҳайвонлари болалардан кўра яхшироқ ҳимояланганлигини таъкидлаган. Қонунчиликда ота-оналар фарзандларини енгил жисмоний жазолашига рухсат бор. Боланинг танасида кўкариш, тирнаш, тимдалаш, шишиш, тилиниш аломатлари бўлгандагина ота-она жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жисмоний жазолаш имконининг мавжудлиги баъзан айрим ота-оналарнинг қуюшқондан чиқишига сабаб бўлади. Шу боис, яхшиси, уларни уришга бутунлай барҳам бериш лозим.

Болаларга шафқатсиз муносабатда бўлишнинг олдини олиш миллий жамияти(NSPCC)нинг тасдиқлашича, тарсаки нафақат самарасиз, балки болаларга жиддий руҳий зиён етказади. Ҳолбуки, келажак эгаларини тарбиялашнинг минг бир ижобий усули бор.

# Ҳаётни заҳарламаган маъқул

**Австралиянинг тиббий тадқиқотлар институти ходимлари 1580 нафар киши билан ўтказган тадқиқотдан маълум бўлишича, спиртли ичимликлар истеъмоли саломатликка жиддий зиён етказади.**



Ўрганишлар натижасига кўра, оз миқдорда ичадиганларнинг 30 фоизи соғлиқ билан боғлиқ муаммоларга дуч келган. Шунингдек, дам олиш кунлари ҳамда байрамлардагина ичадиганлар ҳафта мобайнида жуда кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қиладиган кишилардан кўра камроқ шифокорга мурожаат қилишади.

Алкоголь истеъмолчиларининг юз фоизи соғлиқ билан боғлиқ муаммоларга тез-тез дуч келиши аниқланди.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Уй ҳайвонлари зарар етказса...

САВОЛ:

*— Томорқамизда иссиқхона ташкил қилганмиз. Қўшнимизнинг кучуги бир неча бор иссиқхона плёнкасини йиртиб, ўсимликларни пайҳон қилди. Огоҳлантиришимга қарамай, у ҳамон итини занжирлагани йўқ. Биз эса каттагина маблағ ва меҳнат эвазига бунёд этилган иссиқхонамизга зарар етишидан доимо хавотирдамиз.*

*Айтинг-чи, қонунчилигимизда уй ҳайвонлари етказган зарар учун ҳам жавобгарлик белгиланганми? Илтимос, шу хусусда маълумот берсангиз.*

Дилфуза ИСМАТУЛЛАЕВА.
Тошкент вилояти Зангиота тумани
Ҳасанбой қишлоғи.

■ **Раҳима ЖЎРАЕВА,
Тошкент шаҳар Олмазор тумани
11-сонли ДНИ нотариуси:**

— Албатта, бу борада жавобгарлик белгиланган. Фуқаролик кодексининг 1002-моддасида мустаҳкамланганидек, уй ҳайвони томонидан етказилган зарар учун унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар бўлади. Бинобарин, фуқаронинг соғлиғига, мол-мулкига ит, мушук, қўй-қўчқор, эчки, сигир, буқа, ҳўкиз ва бошқа уй ҳайвонлари томонидан зарар етказилганда, фуқаро зарарнинг ўрнини қоплаттириш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолларда зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво талаблари ана шу талаблар юзасидан жавобгар бўладиган фуқаро, яъни жавобгар яшайдиган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этилади. Бунинг учун тўланадиган давлат божи миқдори зарар ифодаланган суммага нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

## СПОРТ хабарлари

ШАХМАТ

# «Hastings Masters»да пешқадам

**Англиянинг Гастингс шаҳрида ташкил этилган «Hastings Masters» шахмат фестивалида дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан юз нафарга яқин шахматчи ўзаро куч синашмоқда.**

Швейцарча усулда тўққиз турдан иборат мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов пешқадамлар сафида бормоқда.

У турнир давомида сербиялик ФИДЕ устаси И.Радованович, германиялик М.Шустер, украиналик П.Марусенкони мағлубиятга учратиб, хитойлик гроссмейстер К.Ма ва англиялик ФИДЕ устаси Р.Эмес билан дуранг ўйнади. Ҳозирча олти партиядан тўрт очко жамғарган ҳамюртимиз мусобақа пешқадами грузиялик гроссмейстер Михаил Мчедлишвилидан бир очкога ортда бормоқда.

МУСОБАҚА

# «Алпомиш» ва «Барчиной»

**Наманган вилоятида «Алпомиш» ва «Барчиной» оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди.**



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақаларда 5 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳоли вакиллари иштирок этди. Иштирокчилар қисқа масофага югуриш, узунликка сакраш, турникда тортилиш, арқонга тирмашиб чиқиш каби ўндан зиёд спорт тури бўйича ўзаро куч синашди.

МЎЪЖИЗА

# Ўсаётган тоғ

**Мамлакатимиз пойтахтини Фарғона водийси билан боғловчи Қамчиқ довонида янги тоғ пайдо бўлмоқда.**



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

■ **Шукур ЖАББОР
«Mahalla»**

Асосий автомагистраль йўли ёқасида, шундоқ Наманган вилояти чегарасига ўтиш ҳудудидаги сой ичидан тоғ ўсиб чиқмоқда.

Ушбу табиат мўъжизаси ўзининг ҳайратомуз хусусияти билан бутун дунё олимларини, жумладан, геолог ва тоғшуносларни ўзига жалб қилаётир. Чунки «жажжи» тоғ йилига бир метр ўсяпти. Ҳозир ердан беш метрлар атрофида кўтарилди. Бундай ҳодиса ҳали дунёнинг бирор жойида кузатилмаган эди. Олимлар бу манзарани тектоник силжиш ёки тоғ плиткаларининг ҳаракати, дея баҳоламоқдалар. Янги тоғни тадқиқ қилиш ҳозирча давом этяпти.

ХАТЛАР ШАРҲИ

# Ҳар бир мактуб эътиборда

**Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқароларнинг мурожаатларига доир қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш устувор вазифалардан биридир.**

■ **Фарҳод ЭСОНОВ
«Mahalla»**

Таҳририятимизга ҳам ўтган йил мобайнида 110 та ёзма ва 40 дан ортиқ оғзаки мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг бир қисми ҳуқуқий мавзудаги саволлардан иборат бўлса, яна бир қисми ижтимоий мазмундаги шикоят-хатларидан иборат. Улар юзасидан ойдинлик киритиш ва қонуний қарор қабул қилиниши учун тегишли ташкилотлар — ҳудудий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга сўровномалар жўнатилди.

Масалан, Қашқадарё вилояти Қарши тумани Ҳожихидир қишлоғида яшовчи Ф.Бозоров бир гуруҳ қишлоқ аҳли номидан маҳалла ободончилиги масаласида таҳририятга мактуб жўнатди. Унга кўра, қишлоқ болалари учун ажратилган спорт майдончаси умуман яроқсиз аҳволга келиб қолган. Мактубда ҳашар йўли билан бўлса ҳам ушбу майдончани таъмирлашда, қишлоқни ободонлаштиришда кўмак сўралган. Таҳририят томонидан ариза мазмунидаги мурожаат вилоят ҳокимлигига, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлимига юборилди.

Шунингдек, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Ғаниобод қишлоқ фуқаролар йиғини «Оқ масжид» маҳалласи фуқароси М.Шарофиддинов хонадонларни имтиёзли бериладиган кўмир билан ўз вақтида таъминланишини сўраб мурожаат этган. Масала ижобий ечим топиб, аризачига ўз вақтида ёзма маълум қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан руҳланаётган газетхонларимиз ҳам талайгина. Бундай мазмундаги хатлар ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўтган йилда уларнинг сони 250 тани ташкил этди. Масалан, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Файз» маҳалласида яшовчи Ҳотам Рихсиев ҳудудда қурилаётган намунавий лойиҳалардаги янги уй-жойлар маҳалла кўркига кўрк қўшаётганини, аҳоли учун янада қулайликлар яратилаётганини қувонч билан ёзади. Айниқса, қурилиш маҳсулотлари маҳаллий хомашёдан тайёрланаётгани боис уйлар сифатли ва арзонлигидан мамнунлигини билдиради.

Пойтахтлик Йўлдош Мансуров ҳамда Ҳусан Қаюмовлар, Китоб шаҳридан Қаршибой Бердиев, Асака туманидан Умаржон Абдуллаев, косонлик Нормамат Тоға, Самарқанддан Мамадали Эргашев биз билан доимий ҳамкорлик қилиб келаётган газетхонлардан.

Юртдошларимиз ўз ҳиссаяжонларини шеърлар орқали ҳам ифодалашмоқда. Фарғона вилояти Фурқат туманида яшовчи меҳнат фахрийси Султонжон Алимуҳаммадов, Навоий вилояти Кармана туманидаги «Қаҳрамон» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Яхшиевнинг машқлари бунга мисол бўлади.

Таҳририятга келаётган миннатдорлик хатлари эса ҳар бир ходимни янада фаолроқ бўлишга руҳлантирмоқда. Масалан, Фарғонадан Лайлихон Тоғаева, Ғиждувондан Азимжон Акрамов, Самарқанддан Шароф Маруновлар мактублари орқали «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларидан, маҳалла раисларидан, айниқса, газета саҳифаларида ибратли ишларнинг мунтазам бериб борилишидан миннатдорликларини билдиришган.

Доимий мухлисларимизга миннатдорлик билдирамиз. Янги йилда ҳам муштарийлардан мактублар кутиб қоламиз.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

24000 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8864 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Фуқаролар йиғини кенгаши ва жамоатчилик комиссиялари

## *фаолиятини самарали ташкил этиш — долзарб вазифа*


■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

« 1

Қонуннинг 22-моддасида фуқаролар йиғини кенгашининг иш тартиби белгиланган. Унга кўра, фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси томонидан заруратга кўра, лекин ойида камида бир марта ўтказилиши, Кенгашнинг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланиши, қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланиши, шунингдек, Кенгашнинг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинишига оид меъёрлар ифода этилган.

Фуқаролар йиғини Кенгаши таркибига айнан раис маслаҳатчилари ҳам киритилган бўлиб, улар йиғин зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлашда ўзларининг маслаҳатлари, таклиф ва тавсиялари билан қатнашадилар. Аксарият маслаҳатчилар асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилиши сабабли амалга оширган ишлари натижаларини кенгашда муҳокама қилиш, комиссия зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича кенгаш муҳокамасига таклифлар киритадилар.

Қонуннинг 11- ва 12-моддаларида белгиланган фуқаролар йиғини ваколатларини самарали таъминлаш нуқтаи назаридан маслаҳатчилар ўзи раҳбарлик қиладиган комиссия вазифаларидан келиб чиқиб кенгаш таркибига киритиладилар. Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, қоида тариқасида, фақат битта комиссияга раислик қилиши мумкин.

Шу ўринда фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолияти ҳақида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг фаолияти янги таҳрирдаги қонуннинг 18-моддаси билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра, фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссия тузилади.

Бундан ташқари, тегишли ҳududдаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори билан муҳокама этилаётган комиссияларнинг Намунавий низомлари тасдиқланди.

Намунавий низомлар бевосита «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг фаолиятини тартибга солишдан иборат. Унда комиссияларнинг мақсади ва асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш каби масалалар ўз аксини топган.

Мазкур комиссиялар ўзларининг фаолият соҳаларидан келиб чиқиб, жойлардаги давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари, шунингдек, фуқаролар йиғини кенгашининг аъзолари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қиладилар.

Комиссиялар фуқаролар йиғини томонидан йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловидан сўнг бир ой ичида тузилади. Аъзоларининг сони эса, фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳоли сони ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади. Комиссияларнинг таркибига бевосита ўзларининг фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, жойлардаги давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, йиғинда фаолият юритаётган субъектлар, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган фаол фуқаролар, шу жумладан ташаббускор ёшлар киритилиши мумкин.

Комиссиялар аъзолари ва раиси фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Комиссиялар ўз фаолияти тўғрисида ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида эса, фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб боради.

Шу ўринда Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тафтиш комиссияси ва унинг фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан молиявий-хўжалик фаолияти соҳасида етарли билим ва тажрибага эга фуқаролар йиғини аъзолари орасидан камида уч нафар таркибда яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Унинг мақсади фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини текширишдан иборат. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга асосланади.

Тафтиш комиссияси ўз текширишларини фуқаролар йиғини қарорига мувофиқ амалга оширади. Режадан ташқари текширишларни фуқаролар йиғини аъзоларининг камида учдан бир қисмининг сўровига биноан ўтказади. Улар ўз фаолиятида мустақил ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдордир.

Шунингдек, ушбу Намунавий низомда бевосита Тафтиш комиссиясининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, улар фаолиятини ташкил этиш, мазкур комиссиянинг хулосаси ҳамда якунловчи қоидалар каби масалалар ҳам ўз аксини топди.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида амалга оширади.

Хуллас, аҳолининг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлган маҳаллада муносиб шахсларнинг фаолият юритиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ишини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидаларга амал қилиш кўзланган мақсадларга эришишни таъминлайди.

СЎЗ — СИЗГА!

# Ишонч катта, масъулият ҳам залворли

« 1

Ҳудудимизда азалдан деҳқончилик маданияти яхши шаклланган. Бу ерда етиштирилаётган сабзавот, полиз маҳсулотлари, айни қиш чилласида иссиқхонада парвариш қилинган помидор-бодринг каби ноз-неъматлар нафақат туман, балки вилоят бозорларида ҳам харидоргир. Аммо ана шундай олтинга тенг тупроқ, чўпни кўкартирадиган заминга эга бўлишига қарамай, томорқасидан фойдаланмай, маҳалла идорасига моддий кўмак сўраб келаётган оилалар ҳам бор.

Эндиликда маҳалламиздаги уста миришкорлар билан биргаликда бундай оилаларда бўлиб, ердан унумли фойдаланиш, қайси экинни қай вақтда қандай парваришлаш борасида тегишли маслаҳатлар беряпмиз. Ҳатто тажрибали деҳқонларимиз мазкур оилаларни юқори ҳосилдорликка эга уруғлик билан таъминлашни ҳам ўз зиммаларига олишди.

Ҳудудимизда айни пайтда 736 та оила таркибида 3606 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларни бир мақсад йўлида бирлаштириш, маҳаллада тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини шакллантиришда бирдамлик алоҳида аҳамиятга эга. Куни кеча маҳалламиз иноқлигида ўтказилган кам таъминланган оила фарзандлари Зафар Рўзиев ва Диловар Атоеванинг бахт тўйлари маҳалладошларимизнинг айни шу хусусиятини ифода этди.

Кейинги йилларда маҳалламизда аҳоли турмуш даражаси анча ошиб бормоқда. Бу эса, биринчи навбатда, ҳудудда хизмат кўрсатиш такомиллашгани билан боғлиқ. Савдо дўконлари, ошхоналар, гўзаллик салонлари ва бошқа турдаги маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиши қишлоқда янги иш ўринлари яратилишига туртки берди. Аммо маҳаллада 55 та оиланинг ижтимоий ҳимояга муҳтож сифатида рўйхатга олингани ҳам ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўплигидан дарак беради.

Шу боис келгусида ҳудудда аёллар учун тикувчилик, гиламдўзлик ва бошқа ҳунармандчилик турлари фаолиятини йўлга қўйиб, кам таъминланган оила вакилларини шу ҳунарларга жалб этмоқчимиз. Бунинг учун эса бўш турган биноларни фойдаланишга олдик. Қолаверса, маҳаллага саноатни олиб кириш ҳам асосий мақсадларимиздан бири. Шу вақтга қадар маҳалламизда фақатгина бўёқ ишлаб чиқариш цехи фаолият юритарди. Эндиликда Садриддин Қаюмов, Зиёдулла Муқимов, Мусаллам Шукурова сингари илғор тадбиркорларни жалб этган ҳолда бошқа турдаги саноат маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Бу каби вазифалар ижроси ортида эса, албатта, аҳоли фаровонлиги, оилалар турмуш тарзи яхшилануви, рўзғорлар бутлиги ётади. Маҳалла аҳлининг ишончи, масъулияти елкамизда экан, ушбу вазифаларни амалга ошириш йўлида барча ваколатлардан самарали фойдаланишга интиламиз.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# Инсон манфаатлари муҳофазаси — ривожланишнинг муҳим шарти


■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Ҳар қандай масалани ҳамжиҳатликда ечиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий шериклик тушунчаси ана шу ҳаётий зарурат туфайли вужудга келганини тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган салмоқли ишлар ҳам тасдиқлаб турибди.**

■ Т.НИЗОМОВ
«Mahalla»

Янгиланишлар жараёнининг изчил давом этишида, аҳолининг ҳуқуқий маданияти тобора юксалишида жамоат ташкилотлари, хусусан, фуқаролар йиғинларининг алоҳида ўрни бор. Улар томонидан ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар жараёнида долзарб масалалар ҳал этилаётгани Миллий матбуот марказида «Ижтимоий меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида ҳам алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган анжуман ходимларнинг самарали меҳнат қилишида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланганлик даражаси ҳамда бу борада касаба уюшмаларининг иштирокини янада кучайтиришни кўзлайди.

Ушбу йўналишдаги ишлар мамлакатимизда уч томонлама ижтимоий шериклик, яъни давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида олиб борилаётгани эса бунинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(Омбудсман), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациялари ўртасида ижтимоий шериклик тўғрисидаги битим ва меморандумлар асосида изчил ҳамкорлик олиб борилмоқда.

— Касаба уюшмаларининг самарали фаолиятида, айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва фуқаролар йиғинларининг ижтимоий шериклигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева. — Обод турмуш йилида ижтимоий ҳимояга муҳтож минглаб оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, кам таъминланган оилаларнинг 600 нафар фарзанди соғломлаштирилди. Қолаверса, «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмас», «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акциялари, «Ҳар бир инсон — меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирларининг ўтказилишида ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва жойлардаги йиғинлар фаоллари катта ҳисса қўшди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғини, унинг Кенгашининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан муайян масалалар бўйича ҳамкорлиги назарда тутилган. Айнан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқаролар муҳофазаси, бошқа фойдали мақсадни кўзловчи масалалар ижтимоий шерикликнинг объектидир.

Кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишдан иборатдир. Бу ғояни ўз фаолияти билан уйғунлаштирган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари мутасаддилари тегишли ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий шериклик асосида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, фуқароларга муносиб меҳнат шароити яратиш каби эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ижтимоий шериклик муносабатлари кўлами, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда янада кенгайиб бормоқда. Йил давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали касаба уюшмаси ва иш берувчилар шериклигида 22 минг 340 нафар фуқаро ва 183 минг 721 та оилага 82 млрд. 446 млн. сўмликдан зиёд ижтимоий кўмак берилди. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан аниқланган кам таъминланган оилаларнинг қарийб 133 мингтасига моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш, уй-жой қурилиши учун 5844 та оилага фоизсиз кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 3509 нафар талабанинг ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилгани, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёллардан 11 минг 471 нафарига моддий ёрдам кўрсатилгани, 2,5 мингга яқин корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 7360 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилангани ва шу каби бошқа кўплаб амалий ёрдамлар касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик борасидаги муҳим иштирокини ифодалайди.

Хуллас, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фуқаролар йиғинлари кўмагига таяниб, ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришда ташаббус кўрсатиши шубҳасиз.

ТАДБИРКОРЛИК

# «Сурхон гули» тамғаси билан

**Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги «Анвар-Элдорбек» кўп тармоқли хусусий фирмаси ўсимликлардан истеъмол ёғи ишлаб чиқарадиган янги корхонани ишга туширди.**

■ Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳолини арзон, сифатли ҳамда рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Сурхондарё вилоятида ҳам тадбиркорлар янги корхоналарни ишга тушириб, қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминламоқда.

Замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланган мазкур корхона бир кунда турли ўсимликлардан 50 тонна сифатли ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Ўттиз бир нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган корхонада «Сурхон гули» тамғаси билан кунгабоқар, масхар ва зиғир ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди «Анвар-Элдорбек» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Гулчеҳра Умарқулова. — 2014 йилда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, қирққа яқин янги иш ўрни ташкил этишни мўлжалламоқдамиз.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

# Ҳарбий хизмат энг эзгу ва улуғ касбдир

« 1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда жойлардаги бўлим ва бўлинмалар томонидан муайян ишлар бажарилаётгани эътирофга лойиқ.

Жумладан, фонднинг Навоий вилояти бўлими бошқаруви томонидан ҳам фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш, шартнома бўйича ҳарбий хизматга белгилаш, сафарбарлик чақируви резерви хизматига олиш тадбирларини уюштириш ишларига кўмаклашиш мақсадида доимий иш олиб борилмоқда. Бунинг учун фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини, чегаралар дахлсизлиги масалаларини тушунтириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиляпти. Давом этаётган «Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги» доирасида маҳаллаларда «Аскар — маҳалла меҳмони», «Аскарлар оналарини шарафлаймиз» мавзуларида учрашув ҳамда давра суҳбатлари, Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган ҳарбийларга бағишланган «Сизларни унутмаймиз!» мавзуидаги хотира тадбирлари ўтказилмоқда.

— Давлатимиз мустақиллигини ҳимоялаш йўлида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларини ҳам амалга оширяпмиз, — дейди Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ана шундай оилаларга бир миллион сўмликдан зиёд совға топширишни мўлжаллаганмиз.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навоий шаҳар бўлинмаси раиси Олим Бердиевнинг таъкидлашича, «Спутник» қўрғонидаги ҳарбий қисм хизматчиси, кичик сержант Райҳон Бозороваға «Бунёдкор» маҳалласида қурилган янги уйдан 3 хонали квартира ажратилибди. Р.Бозорованинг турмуш ўртоғи Фахриддин Назаров ҳам ҳарбий, кўп йиллар сарҳадларимиз дахлсизлиги учун хизмат қилганлардан.

Айни пайтда миллий армиямизни сифат жиҳатдан такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар қаторида ҳарбий хизматни ўтаган йигитларнинг олий ўқув юртига ўқишга кириши учун имтиёз берилгани ҳам эътирофга лойиқ. Юртбошимиз қарорига биноан ҳарбий қисм тавсияномасини қўлга киритган абитуриентлар тест натижаларини ҳисоблашда имтиёзга эгалар. Бундан ташқари, ҳарбий хизматдан қайтиб, шартнома асосида ўқишга кирган талабаларга «Камолот» ЁИҲ томонидан шартнома пулининг маълум фоизи ҳам тўлаб беріляпти.

Ватан ҳимоячиси. Бу энг эзгу, энг улуғ ва энг шарафли касбдир. Эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир ўғил бола ақлини танир-танимас ана шу шарафли касбни орзу қилади, аскар акасининг шахдам юришига ҳавас билан қараб, унинг бош кийимини бир кийиб кўришга иштиёқманд бўлади. Аслида бу мурғак қалбда эндигина куртак ёзаётган Ватан туйғуси, юртга ҳимоячи бўлиш истагининг илк белгиларидир. Бугун Президент қарори асосида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилгани миллий армиямиз ва аҳоли ўртасида кўприк бўлиб, кўплаб эзгу ниятлар ижобатига йўл очаётир.

Mahalla
ШАНБА
2014 йил 4 январь,
№2 (969)



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# Талаб қатъий, муаммога ечим ҳам бор



**Кундалик ҳаётдаги оддий ҳодиса бутун вилоятга шов-шув бўлди. Лекин ана шу жўнгина туюлган ишда жамоатчилик назоратининг ёрқин кўриниши зуҳурланди.**

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

Хуллас, гап бундай. Айни теварак-атрофга оқшом тушганида Андижон шаҳрининг Тиббиёт институти бекатидан «Дамас» машинасига ўтирган нуроний отахон улов ҳеч қанча юрмай, ҳайдовчининг елкасига туртди.

— Шу ерда тушиб қолай ўғлим.

Машина тўхтагач, ёнидан беш юз сўм олиб унга узатди. Бироқ ҳайдовчи пулни олмай, дабдурустдан дағдаға қилишга ўтди.

— Отахон, минг сўм берасиз. Кўрмаяпсизми, кеч кириб қолди-ку.

Нуроний бўш келмади.

— Нима, шаҳарда кундузги нарх билан кечкисининг фарқи борми? Инсоф қил, ўғлим.

— Инсофни ўзингизга тиланг. Мени норизо қилсангиз Худо ҳам кечирмайди.

— Бор-йўғи беш юз сўм учун Худони ўртага солма, болам. Сен ноҳақсан. Мана, бу — сен айтган пул. Машинангнинг давлат рақамини ёзиб оламан. Сен билан тегишли жойда учрашамиз.

Эртасига бу масалага нуроний яшайдиган маҳалладаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари аралашди. Ҳайдовчининг нафс қўйига тушиб, йўлкирани икки ҳисса орттиргани тўғрисидаги ахборот юқори ташкилотларгача етиб келди. Натижада ҳайдовчи ўз қилмиши учун кўпчилик олдида изза бўлиб, отахондан кечирим сўради.

Демак, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиб, жамоатчилик назоратига таянса, муомала маданиятидан бехабар, ўз вазифасига совуққонлик билан қарайдиган шахслар тез орада ақлини таниб олади.

Андижон шаҳрининг «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 8 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қиш чилласи бошланиб улгурмай, кўп қаватли уйларда табиий газ босими кескин тушиб кетди. Аҳоли турли ташкилотларга шикоят қила бошлади. Аммо нафи бўлмади. Шундан сўнг фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси раиси Абдуманноб Саидбоев ҳаракатга тушди.

У «Водийгазтаъминот» шўъба корхонасининг Андижон шаҳар ҳудудий филиалига борди. Ташкилот раҳбарлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, фуқаронинг арзини эшитишмади. Шунда у Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тўғрисидаги Намунавий низомнинг тегишли бандини ўқиб берди.

Абдуманноб ака бу билан чекланиб қолмади. Комиссия аъзоларини чақириб, йиғилиш ўтказди. Унда маҳалла раиси Шоҳида Абдуллаевага аҳолининг газдан қарздорлигини ўрганиш ва коммунал тўловлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш топширилди. Ана шу тадбирлардан сўнг Янги йил арафасида «Бўстон» маҳалласи ҳудудидаги барча хонадонлар юқори босимли «зангори олов» билан таъминланди.

Бугунги кунда Андижон шаҳридаги кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектларидаги иситиш тизими, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига кўмаклашиш борасидаги ишларда бевосита жамоатчилик назоратининг таъсири яққол сезилмоқда. Ҳозирда шаҳардаги мавжуд 716 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи 53 та ширкат белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида шаҳар ҳудуди 4 секторга бўлинди. Уларга 12 та бошқарув компанияси хизмат кўрсатяпти.

Ширкатларда ишлаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш бевосита комиссия аъзоларининг таклифлари асосида йўлга қўйилди. Мисол учун, чилангарлар, пайвандчилар, электрчилар, лифт ходимлари шаҳардаги қурилиш, алоқа, машинасозлик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида 420 соатлик ўқув-курсларида таҳсил олдилар. Бундан ташқари, 4 та кичик даҳадаги 112 та кўп қаватли уйнинг иситиш тизими, йўлаклари, том, фасад ҳамда ертўла қисмлари таъмирланди. Жами 96,6 километр электр тармоқлари тортилиб, 56 та трансформатор мукаммал, 202 таси жорий таъмирланди.

Яқинда Андижон шаҳридаги Тинчлик кўчаси 3-уй, 24-хонадонда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Мая Бабич «Маориф» маҳалласининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси раиси Турсунбой Айсақовга уйининг томидан чакка ўтаётгани, хоналар совуқлигидан шикоят қилди. Табиатан жонсарак йиғин фаоли аввал онахоннинг яшаш шароитини кўздан кечирди. Чиндан ҳам ҳолат кўнгилдагидек эмас, бунинг устига аёзли кунлар бошланган эди. У комиссия аъзолари билан шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Муаззамхон Ваққосова қабулига кирди. Кекса аёлнинг шароити кўплашиб яхшиланди. Ҳозирда Тинчлик кўчасида катта босимли газ қувурлари таъмирланаётгани сабабли онахон суюлтирилган газ баллони билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, Андижон шаҳридаги мавжуд 74 та фуқаролар йиғини ҳузуридаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар аъзолари Намунавий низомга қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатаётир.

ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

# Миллий меъморчиликка мос ва ҳавасга арзигулик




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

« 1

Жиззах туманидаги «Учтепа» маҳалласи ободлиги, орасталиги, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги туфайли ҳамманинг ҳавасини уйғотмоқда. Йиғиндаги 571 та хонадонда 4 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ, ҳомийлар кўмагида, ҳашар усулида барпо этилиб, давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган ушбу мажмуада аҳоли учун барча қулайликлар яратилган.

Бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг янги биноси, болалар майдончаси, бозорча, новвойхона, тикувчилик цехи, маиший хизмат уйи ишга туширилди. Айниқса, идора хоналарида маҳалла раиси, масъул котиб, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, профилактика нозири учун қулай иш шароити яратилган, янги мебеллар ва компьютер жамланмалари билан таъминланган.

— Маҳаллада яшовчилар яқин вақтларгача бозор-ўчар, маиший эҳтиёжлар учун ҳам шаҳарга боришига тўғри келарди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Бувхол Худоёрова. — Гузар барпо этилиб, унинг таркибида аҳолининг кундалик турмуши учун зарур бўлган хизматларнинг йўлга қўйилиши фақат қулайликнинг ўзигина эмас, айни пайтда аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлиги ошиб бораётганини ифода этувчи муҳим омилдир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этган «Болалар майдончалари — ҳар бир маҳаллада» акцияси доирасида ҳашар асосида барпо этилган майдончада кичкинтойларнинг яйраб ўйнашлари учун барча имконият мавжуд. Бундан ташқари, болалар спорт мажмуасининг барпо этилиши туманда ҳам янгилик бўлди. Ундаги турли тўгаракларда 120 нафар бола спортнинг бир неча турлари билан мунтазам шуғулланаётир.

— 2014 йил муҳтарам Президентимиз томонидан «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани баркамол авлод тарбияси давлатимизнинг доимий эътиборида эканининг амалдаги ифодасидир, — дейди меҳнат фахрийси Каттабек Қиёмов. — Боланинг соғлом вояга етишида спортнинг ўрни катта. Маҳалламизда янги гузар қуриб битказилиши ва унда болаларимиз учун спорт майдончалари барпо этилганидан беҳад мамнунмиз. Қишлоқ маҳаллаларида шаҳарлардагидан асло қолишмайдиган мана шундай иншоотлар қурилаётгани келажакда мамлакатимиз шарафини жаҳон миқёсида муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар етишиб чиқишига мустаҳкам замин яратади.

Туманда замонавий гузарга эга маҳалла биргина «Учтепа» эмас, албатта. «Қўлама», «Зиёкор» маҳаллаларида ҳам ҳавасга арзугулик гузарлар барпо этилди.

ФАРҒОНА ТОМОНЛАРДА

# Меҳр ва эътибор оғушида

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Риштон тумани бўлинмаси ҳамда ҳомийлар кўмагида «Чўнғара» маҳалла фуқаролар йиғини биноси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.**

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Унга ёндош барпо этилган қишлоқ врачлик пунктига вилоят ҳокимлиги томонидан «Дамас» автомашинаси, компьютер жамланмаси ва мебель жиҳозлари топширилди.

— Яқин-яқингача маҳалла фуқаролар йиғини таъмирталаб бинода фаолият юритар эди, — дейди маҳалла фаоли Ҳакимжон Салоҳиддинов. — Гузарнинг замонавий қиёфага эга бўлгани айни муддаодир. Айниқса, тиббиёт муассасасининг ишга туширилгани йиғин аҳли учун Янги йил байрамига муносиб туҳфа бўлди.

Маҳаллаларда барпо этилаётган гузарлар, аҳолига маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

ХУШХАБАР

# Янги корхона иш бошлади

**Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари сони яна биттага кўпайди.**

Х.САФАРОВА
«Mahalla»

Янги иш бошлаган «Hayat power cable» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида турли диаметрдаги, 300 киловаттгача кучланишга эга мис ва альюминий кабель толалари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 70 фоизини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

Корхонада ҳозир 150 нафар киши меҳнат қиляпти. Жамоа асосан касб-ҳунар коллежларини туғаллаган ёшлардан иборат. Ишлаб чиқариш тўлиқ қувватга ўтгач, яна 100 та янги иш ўрни яратилади.



ЎзА сурати.

# Барча имкониятлар болалар учун



ЎзА сурати.

**Фарғона вилоятида ёшларнинг билим олишлари, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.**

Яқинда Фарғона шаҳридаги «Ибрат» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Зиё — омад, билим — нур» ўқув-маркази қошида ташкил этилган «Kinderland» таълим маскани Соғлом бола йилида болажонларга муносиб туҳфа бўлди.

Уч-етти ёшли кичкинтойларга мўлжалланган ушбу марказда малакали мутахассислар томонидан фарзандларимизга хорижий тиллар ўргатилаётгани қувонарлидир. Шунингдек, турли кўнгилочар ўйинлар воситасида нутқ ўстириш машғулотлари фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайишларида қўл келади. Масканда шахмат-шашка тўгараги ҳам мавжуд.

Энг муҳими, бу ерда болажонлар вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

КЎРИК-ТАНЛОВ

# Намунали фаолият ўзаро ҳамкорликнинг меваси

**Айни кунларда мамлакатимиз миқёсида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичлари якунланиб, ғолиблар аниқланмоқда.**

Улуғбек ТУЙМАБОЕВ,
ИИВ ҲООББ матбуот котиби,
подполковник.

Мазкур тадбирни ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

Сурхондарё вилоятида айни вақтда 239 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатаётир. Уларни маҳалла фуқаролар йиғини билан бир бинода жойлаштириш, атрофида ёш болалар учун спорт майдончалари барпо этиш, тўгараклар ташкил қилиш юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида талай ишлар амалга оширилди.

Танловда МТПларининг замонавий қиёфаси, жиҳозланганлиги билан бирга ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари истеъмоли ва тарқатилишининг олдини олиш, диний экстремизм ва фундаментализм ҳамда жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши курашиш борасида маҳаллаларда кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш, Яраштириш комиссияси фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 14 та МТП фаолияти кўриб чиқилиб, ғолиблар аниқланди. Жарқўрғон туманидаги Т.Шобуров номли маҳаллада жойлашган 113-сонли милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади. Шўрчи тумани «Култепа» маҳалласидаги 153-сонли МТП иккинчи, Узун туманидаги «Файзобод» маҳалласида жойлашган 233-сонли МТП эса учинчи ўринга муносиб топилди.

Бундан ташқари, мазкур кўрик-танловнинг «Энг фаол профилактика инспектори» номинацияси бўйича Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори, катта лейтенант Ш.Юсупов, «Ёш авлод ҳимоячиси» номинацияси бўйича Денов тумани ички ишлар бўлими инспектори, капитан Ж.Муҳиддинов, «Энг фидойи маҳалла раиси(оқсоқоли)» номинацияси бўйича Узун туманидаги Ё.Ҳакимов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Даминов ғолиб деб топилди. «Энг фаол маҳалла посбони» номинацияси бўйича Термиз шаҳридаги «Гулистон» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори И.Муҳаммадиев, «Энг фаол маърифатпарвар маслаҳатчи» йўналишида Термиз тумани «Орол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Г.Очилова, «Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси» номинацияси бўйича Узун тумани «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йиғини бошланғич хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳ.Муҳаммадиева, «Адолатли яраштириш комиссияси раиси» номинацияси бўйича Термиз шаҳар «Байналмилал» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Раҳмонов пешқадам бўлди.

Кўрик-танловнинг Жиззах вилояти босқичи ҳам қизғин тусда бўлиб ўтди. «Намунали милиция таянч пункти», «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Ёш авлод ҳимоячиси», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Ташаббускор маҳалла посбони», «Фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси» ва «Адолатли Яраштириш комиссияси» номинациялари бўйича беллашган номзодларнинг энг муносиблари танлаб олинди.

«Намунали милиция таянч пункти» номинацияси бўйича биринчи ўринни Жиззах тумани «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 133-сонли МТП, иккинчи ўринни Арнасой тумани Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 47-сонли МТП ва учинчи ўринни Жиззах шаҳридаги «Калия» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 29-сонли МТП эгаллади.

Шунингдек, Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори, капитан Ш.Худойқулов «Энг маҳоратли профилактика инспектори», Зафаробод тумани ички ишлар бўлими Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаси инспектори капитан А.Шукуров «Ёш авлод ҳимоячиси» дея эътироф этилди. Ғолибларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

— Бу каби кўрик-танловларни ўтказилишидан мақсад ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш самарадорлигини оширишдан иборат, — дейди Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, майор Ж.Авазов. — Айни пайтда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига бўлган ишончи ортиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олди олинишида қуйи тизимларда хизмат қилаётган ходимларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатгани муҳим омил бўлаётир.

Бинобарин, маҳаллаларда жойлашган милиция таянч пунктлари ҳудудларда барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва турли ақидапараст оқимларга қарши курашишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уларда малакали профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш юритиб, хизматда самарали натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Маҳаллалар ҳудудидаги мактабларда вояга етмаганлар билан тушунтириш ишлари олиб бориш ҳам ўсмирларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бир қаторда юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши табиий. Уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун спорт майдончалари, турли фан ва касбга йўналтирилган тўгараклар ҳам ташкил этилаётир. Бунинг натижасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олди олинишига эришилмоқда.